# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2020 ЙИЛ — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2020 йил 4 май, № 92 (7594) Душанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# СИРДАРЁЛИКЛАР ҲАЁТИ ЯНА ЎЗ МАРОМИГА ТУШМОҚДА



Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

***Оддий ҳаёт ҳақиқати бор. Бу дунёда хурсандчилик ва ташвиш, ютуқ ва қийинчиликлар ҳамиша ёнма-ён юради. Юртимизнинг қадим тарихида бундай воқеалар кўп бўлган. Лекин кўпни кўрган, азму шижоатли халқимиз бундай вазиятларни ҳамиша ақл-идрок, сабр-тоқат ва жасорат билан енгиб ўтган.***

Жорий йил 1 май куни Сирдарё вилоятида юз берган ҳодиса бу ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлади. Иқтисодий тараққиёт ва равнақ йўлида шиддат билан илгарилаб бораётган мамлакатимиз жиддий синовга дуч келди. Аммо иродаси мустаҳкам, матонатли элимиз бу сафар ҳам ҳамжиҳатлик ва аҳиллик намунасини кўрсатмоқда.

Бу қатъият куну тун халқ манфаатини, юртнинг тинчлиги ва осойишталигини ўйлаб яшаётган давлатимиз раҳбари бошчилигида қудратли тўлқинга айланди.

Президентимиз ҳодиса юз берган дастлабки соатлардаёқ бу ерга зудлик билан етиб келиб, одамларга ҳамдард ва елкадош бўлгани, "талафот оқибатларини қисқа вақтда бартараф этамиз, жабр кўрган ҳар бир инсон, ҳар бир хонадонга албатта ёрдам берамиз", деган сўзлари Сирдарё аҳлига жуда катта мадад ва далда берди.

Давлатимиз раҳбари икки кун давомида вилоятда қолиб, вазиятни барқарорлаштириш ишларига шахсан бош-қош бўлди. Шу боис ҳам халқимиз бу кутилмаган табиий офат олдида ўзини йўқотиб қўймади. Ҳамма бир тану бир жон бўлиб, ҳудудда нормал ҳаётни тиклаш борасида фаоллик ва фидойилик кўрсатмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 3 май куни ҳам Сирдарё вилоятида бўлиб, Сардоба сув омбори ҳудудида амалга оширилаётган тиклаш-таъмирлаш ишлари билан яқиндан танишди.

Маълумот ўрнида шуни айтиш лозимки, мазкур сув иншооти Сирдарё ва Жиззах вилоятларидаги 6 туман экин майдонларини сув билан таъминлаш мақсадида барпо этилган. Ҳозирги вақтда тошқин юз берган жойда 2 бригада ташкил этилиб, тўғон ёриғининг чап ва ўнг қирғоқларида жадал иш олиб борилмоқда. Бу жараёнга юзлаб малакали мутахассислар, мингдан ортиқ махсус техникалар жалб этилган. Катта харсанг тошлар, бетон блоклар ва плиталар, бошқа тегишли қурилиш материаллари келтирилиб, тўғон олдида ярим айлана шаклида тўсиқ девор барпо этилмоқда. Ишчи-муҳандислар, ҳайдовчилар учун барча шароит яратилиб, саъй-ҳаракатлар кечаю кундуз ташкил этилган.

Президент Шавкат Мирзиёев бажарилган ишларни синчиклаб кўздан кечириб, мутасадди раҳбарлар ва мутахассисларга зарур кўрсатмалар берди.

Маълумки, сув тошқини, асосан, Сирдарё вилоятининг Сардоба, Оқолтин ва Мирзаобод туманлари аҳоли пунктлари ва экинзорларига зарар етказган. Ҳукумат комиссияси томонидан амалга оширилган тезкор чора-тадбирлар натижасида ушбу туманлардаги 22 қишлоқдан жами 60 мингдан зиёд аҳоли эвакуация қилинган.

Давлатимиз раҳбари сув тошқинига дуч келган қишлоқларда бўлиб, ҳудудни тозалаш, инфратузилма объектларини тиклаш, аҳоли учун шароит яратиш бўйича топшириқлар берган эди.

Фавқулодда вазиятлар, Мудофаа, Сув хўжалиги вазирликлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, қурилиш-таъмирлаш ташкилотлари ва маҳаллий ҳокимликларнинг ўзаро мувофиқлаштирилган саъй-ҳаракатлари натижасида бу йўналишда жадал ишлар олиб борилмоқда. Тошқин туфайли ҳосил бўлган чиқиндилар йиғиштирилиб, ҳудуд дезинфекция қилинмоқда. Ўт ўчириш машиналари ёрдамида кўлмаклардаги сув тортиб олинмоқда. Йўллар очилиб, муҳандислик-коммуникация тармоқлари тикланмоқда.

Натижада айрим маҳаллаларда оилалар ўз уйларига қайта бошлади. Бошқа жойларда тозалаш-таъмирлаш ишлари тезкор суръатларда давом этмоқда. Яқин вақтларда уларда ҳам зарур шароитлар яратилиб, ҳаёт яна ўз изига тушади.

Президентимиз Сардоба туманидаги Қўрғонтепа маҳалласини бориб кўрди. Ҳукумат комиссияси мутасаддилари амалга оширилган чора-тадбирлар юзасидан ахборот берди.

Ушбу маҳалла фуқаролар йиғинида 530 хонадон бўлиб, 4200 нафар аҳоли истиқомат қилади. Ҳудуд сув тошқинига биринчи бўлиб дуч келган, одамлар тезкор равишда хавфсиз жойларга кўчирилган эди.

Катта куч ва техника воситалари, аскарлар, бошқа соҳалар ходимлари жалб қилиниб, амалга оширилган кенг кўламли ишлар натижасида табиий офат оқибатлари бартараф этиляпти, одамлар ўз уйларига қайтяпти.

Давлатимиз раҳбари шундай уйлардан бирига кириб, хонадон эгаларидан ҳол-аҳвол сўради. Барча қатори уларга ҳам моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилиши, ҳеч ким эътибор ва ғамхўрликдан четда қолмаслигини яна бир бор таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев қадрдон маконига қайтган маҳалла аҳолиси билан мулоқот қилди.

Президентимиз Оқолтин туманида ҳам бўлди. Мутасадди ходимлар фавқулодда ҳодиса етказган зарар, уларни бартараф этиш бўйича кўрилаётган чоралар ҳақида ахборот берди.

Сув тошқини туманнинг Шодлик ва Аҳиллик маҳаллалари ҳудудини ҳам босган эди. Уларда яшаётган 11 мингдан зиёд аҳоли Гулистон шаҳри ҳамда Жиззах вилоятининг Мирзачўл ва Дўстлик туманларига эвакуация қилинди. Ушбу нохуш воқеа оқибатида тумандаги жами 13 минг 397 гектар пахта, ғалла ва полиз экинларига зарар етган.

Давлатимиз раҳбари мутасаддиларга ҳар бир хонадон эгалари билан гаплашиб, уларнинг уй-жойларини таъмирлаш, яшаш шароити мавжуд хонадонларга аҳолини қайтариш бўйича кўрсатмалар берди.

Навбатдаги манзил — Мирзаобод тумани. Бу ерда нуронийлар, маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари, жамоатчилик вакиллари билан учрашув бўлди.

Бу туман ҳам сув тошқини катта таъсир кўрсатган ҳудудлардан бири. Навбаҳор, Ҳақиқат, Баҳористон ҳамда Йўлдошобод маҳаллаларида яшовчи қарийб 15 минг аҳоли туманнинг Янгиобод маҳалласи ҳамда Янгиер шаҳрига жойлаштирилган. Жами 7084 гектар қишлоқ хўжалиги майдонига зарар етган.

Президентимиз қурилиш-таъмирлаш ишларини халқ билан маслаҳатлашиб амалга ошириш, деҳқон ва фермерлар муаммоларини жойига чиққан ҳолда ҳал этиш зарурлигини таъкидлади.

Аҳоли вакиллари давлатимиз раҳбарига шундай қийин вазиятда халқ билан бирга бўлгани, қисқа вақтда катта ишлар қилиниб, ҳаёт изга тушаётгани учун миннатдорлик билдирди.

Шу ерда ҳукумат аъзолари, мутасадди раҳбарлар билан қишлоқ хўжалиги майдонларини қайта фойдаланишга киритиш, шикаст етган йўл ва кўприкларни таъмирлаш масалалари муҳокама қилиниб, чора-тадбирлар белгиланди.

Президент Шавкат Мирзиёев 3 май куни Тошкентга қайтиб келди.

**ЎзА.**

# ҚУДРАТИМИЗ — АҲИЛЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИКДА

## ХАЛҚИМИЗ МАТОНАТИНИНГ ЯНА БИР ИМТИҲОНИ

*Сардоба сув омборида юз берган тошқин халқимиз матонатининг яна бир имтиҳони бўлди. Фалокатни енгишнинг асосий омили ҳам саросимага тушмаслик, биргаликда ҳаракат қилишдир. Ташкил этилган Ҳукумат комиссияси фавқулодда вазият оқибатларни бартараф этиш, ҳолатни юмшатиш, аҳолига ҳар томонлама ёрдам бериш бўйича барча чораларни кўрмоқда.*

**Сардоба тумани.** Туманнинг Қўрғонтепа, Дўстлик, Отаюрт, Юртдош, Бирлик маҳаллаларига бугун келган киши "Биз уддалаймиз", дея матонат ва шижоат билан меҳнат қилаётган туманнинг мингдан ортиқ кўнгилли аҳолисию республикадан ёрдамга борган барча сафарбарлик кучлари ҳамжиҳатлигига гувоҳ бўлади.

Президентимизнинг Сардоба, Оқолтин, Мирзаобод туманлари аҳолиси билан бўлиб ўтган учрашувида ҳар бир оила эътибордан четда қолмаслиги, одамларнинг яшаш манзиллари тозаланиб, сувлар чиқариб ташланиши, дезинфекция ишлари олиб борилиши, қаттиқ талафот кўрган ҳудудларда янги хонадонлар барпо этиш бўйича ташаббусларининг ёрқин ифодасини айнан Сардобада учратиш мумкин.

Давлат раҳбари топшириғига асосан, барча шахсий таркиблар маҳаллаларни ортиқча сувдан холи этиш бўйича ишларни бошлаб юборган. Ободонлаштириш бошқармалари эса сув чўкиндилари ва чиқиндилардан тозалашмоқда. Умуман, Сардобага республикамизнинг барча фуқароси ёрдамга ошиқяпти. Туманнинг кўнгилли фуқароларидан иборат фаоллари гуруҳи ҳам ўзларининг ёрдамларини беришаётир.

— Президентимиз ўша куннинг ўзидаёқ амалга оширилиши керак бўлган ишлар бўйича назоратни ўз қўлига олди, — дейди меҳнат фахрийси Шамсиддин Фармонов. — Одамлар билан гаплашганда бирдам бўлишга, аҳилликка чақирди. Ҳеч қанақа хавотир йўқлигини айтди ва мана шу жараёндан кейин уюшқоқлик бўлди. Президентимиз топшириғига биноан айни пайтда маҳаллаларда тозалаш ишлари бошланиб, жипс бўлиб ҳаракатга киришилди. Келаётган техникалар, моддий ёрдамлар, ҳаммаси биз учун далда бўляпти. Аҳиллик билан қилинаётган ҳаракатлар ишларимиз барорини беряпти.

Сув омборида ҳам Президентимизнинг шахсан назорати билан қурилиш-таъмирлаш ишлари бошлаб юборилган. Бу ерда куну тун улкан техникалар оқими узилмайди.

➔ 2

## ҲАММА БИР ТАНУ БИР ЖОН БЎЛИБ ФИДОЙИЛИК КЎРСАТЯПТИ

*Инсон синовларда тобланади. Халқ ҳам. Бугунги синовли кунлар халқимизнинг метин иродасини, сабр-бардошини, аҳил-иноқлигини, ҳамжиҳатлигини яна бир бор ҳаёт имтиҳонидан ўтказмоқда, десак, янглишмаймиз.*

Кўнгилга таскин бераётгани — юртдошларимиз бу синовдан ёруғ юз билан ўтмоқда. Бирлашиб, қўлни қўлга, дилни дилга бериб, бир тану бир жон бўлиб, бошимизга кутилмаганда тушган қийинчиликларни мардонавор енгмоқда. Лўнда қилиб айтганда, чиниқмоқда, тобланмоқда, янада кучли бўлмоқда.

Сирдарё вилоятидаги Сардоба сув омборида юз берган фавқулодда вазиятни бутун халқимиз ўз ташвиши, деб қабул қилди. Бу офат юз берган маҳаллалар аҳолисига мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келаётган инсонпарварлик карвонлари, сув босган жойларни тозалаш, қайта тиклаш ишларига кўнгилли тарзда ошиқаётган юртдошларимиз хатти-ҳаракатида яққол намоён бўляпти.

Жумладан, куни кеча **Самарқанд вилояти** Кенгашининг еттинчи сессияси бўлиб ўтди. Бир гуруҳ депутатлар ташаббуси билан ўтказилган сессияда Сардоба сув омбори тўғонининг бир қисми ўпирилиши оқибатида юзага келган офатдан талафот кўрган аҳолини қўллаб-қувватлаш масаласи кўриб чиқилди. Кенгаш раиси, вилоят ҳокими Э. Турдимов видеоселектор тарзидаги сессия қатнашчиларига Сардоба туманидаги воқеа, у ердаги бугунги вазият ҳақида ахборот берди.

Сессияда "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати маркази қошида Сардоба учун алоҳида бўлим ташкил этилгани маълумот учун қабул қилинди. Шундан сўнг Сардоба аҳлига кўмаклашиш хайрия жамғармасига вилоят бюджетининг 2020 йил биринчи чоракдаги даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисмидан 5 миллиард сўм пул кўчириш таклифи ўртага ташланди ва бу таклиф депутатлар томонидан маъқулланди.

— Оғир кунда елкадош бўлиш халқимизнинг ноёб қадриятларидан биридир.

➔ 2

## ҚОРАКЎЛ ЯНА ОБОД ВА ФАЙЗЛИ МАНЗИЛГА АЙЛАНАДИ

*27 апрелда эсган мисли кўрилмаган даражадаги кучли шамол ва ёмғир саноқли дақиқалар ичида Қоракўл туманига катта талафот етказди. Қадимий гўшага кўрк бағишлаб турган, қаттиқ меҳнат ҳамда маблағ эвазига қад ростлаган бинолар, тураржойларнинг аҳволини кўрганларнинг кўнглига қил ҳам сиғмай қолди.*



Офат қоракўлликларнинг иродасини, сабру матонатини синовдан ўтказди. Зеро, кимнинг ким эканлиги ана шундай оғир ва мушкул дамларда билинади.

— Ҳозирга қадар олинган маълумотларга кўра, 8 мингга яқин хонадонлар, 47 та мактаб, 30 та мактабгача таълим, 24 та тиббиёт муассасаси, 300 дан зиёд тадбиркорлик субъектларига зиён етган, — дейди туман ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари Раббонақул Мухторов. — 338 та трансформатор пункти зарарланган. Офат етказган зарар миқдори ва миқёсини аниқлаш ишлари давом этяпти.

— Муҳими, одамларнинг тушкунликка тушмай, талафотни бартараф этишга дадил киришганидир, — дейди тумандаги "Бандбоши" маҳалла фуқаролар йиғини масъул котиби Қаҳҳор Мухторов. — Айниқса, Президентимизнинг вилоятимизга ташриф буюриб, жойлардаги аҳвол билан танишгани, давлат томонидан зарур барча ёрдам кўрсатилишини билдиргани фуқароларимизнинг руҳини кўтарди.

➔ 2

# ҚУДРАТИМИЗ — АҲИЛЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИКДА

## ХАЛҚИМИЗ МАТОНАТИНИНГ ЯНА БИР ИМТИҲОНИ

1

Қайта тиклаш ишлари жадаллик касб этган. Сардоба туманининг Қўрғонтепа ҳамда Дўстлик маҳаллалари аҳолиси Ҳукумат томонидан амалга оширилаётган ишларга хайрихоҳ сифатида хонадонларига қайтиб, тозалаш ишларига фаол қарашмоқда. Хавотирга, саросимага асос қолмади. Сув тўхтади. Тўпланиб қолганлари ҳам икки-уч кун давомида батамом йўқолади.



— Саросима, ваҳима кучайган бир пайтда Юртбошимизнинг сув омборига тезкорлик билан етиб келиши, айтган ҳар бир гапи бизга руҳан таъсир қилиб, янада куч бағишлади, — дейди Азизбек Исломов. — Мана, бугунгача Президентимиз биз билан бўлиб, ҳар кун, соатма-соат сув омборида қилинаётган ишларни ўзлари назоратга олиб турибди. Тегишли орган ходимлари билан сувни бартараф қилди. Маҳаллалардаги сувларни чиқариш бўйича барча чорани кўрди. Қўшни вилоятлар, туманлардан 300 — 400дан зиёд техникалар кириб келяпти.

**Оқолтин тумани.** Азалдан



меҳр-мурувватли халқмиз. Ёрдам кўрсатишни олий фазилат деб биламиз. Айни шу каби чин инсоний хислатларимиз бугунги синовли кунларда янада яққол кўзга ташланмоқда. Буни Сирдарёнинг Оқолтин туманида истиқомат қилаётган 52 мингдан зиёд аҳоли ҳам қалбан ҳис этяпти. Шу кунларда талафотдан зарар кўрган хонадонларга ёрдам қилиш, қолган сувларни ариқ, зовурларга ўтказиб юбориш ишларига қатъий киришилган. Бунинг учун юзлаб техникалар жалб қилинган. Хусусан, Саховат маҳалласи ҳам офатдан жиддий зарар кўрган. Айни пайтда бу ерда 500 дан ортиқ уй-жойларда ишлар туну кун олиб борилмоқда.

— Кўп қаватли, якка тартибдаги хонадонлар ҳовлисидаги сувларни оқова зовурларга чиқаряпмиз, — дейди Жиззах вилоятининг Мирзачўл туманидаги 12-сонли қутқарув-ёнғин бригадаси ҳайдовчиси Эркин Ёшузоқов. — Икки-уч кун атрофида муаммоларни ҳал қиламиз, деган ниятдамиз.

Сув тошқини йўллар ва кўприкларга ҳам зарар етказган эди. Ташкил этилган ишчи гуруҳи томонидан зудлик билан авария ҳолатини бартараф қилиш мақсадида йўлўтказгичларни таъмирлаш ишларига киришилди. Бунинг учун Мудофаа ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирликларининг минглаб хизматчилари сафарбар этилган. Ана шундай тадбирлар Аҳиллик маҳалласида олиб борилмоқда. Туманнинг Янги давр, Саховат ва Алишер Навоий номидаги маҳаллаларидаги вазиятни барқарорлаштириш мақсадида сувни аҳоли яшаш жойларидан узоққа йўналтириш ишлари бошлаб юборилган.

Шу кунларда Сирдарё вилоятида озиқ-овқат юклари ортилган машиналардан тортиб, авария-қутқарув хизматларининг узундан-узоқ карвонларига кўзингиз тушади. Бу каби хайрли ишларни бажариш иштиёқи янада ортмоқда.

— Мана шундай вазиятда бутун халқимиз жипслашиб, ҳаммамиз Президентимизнинг ёнида туриб, бу ташвишни енгиб чиқишга ҳаракат қиляпмиз, — дейди Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги бошқарма бошлиғи Гулнора Маъруфова. — Биз ҳозир талафот кўрган ҳар бир хонадонга яна қанақа ёрдам кераклигини кўриб юрибмиз. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги жамоасидан тузилган махсус гуруҳ ҳар бир оила аъзолари билан мулоқот қилиб, уларга қайси масалаларда кўмак кераклигини аниқлашга ҳаракат қиляпмиз.

Халқнинг бирдамлиги эл бошига иш тушганда билинади, деганлари рост. Аҳиллик, ҳамфикрлик сирдарёликларнинг кўзларида ҳам зоҳир бўлган. Муҳими, уларда мустаҳкам ишонч бор. Ана шу ишонч ҳар қандай мусибат ва ташвишни осон енгиб ўтишда қалбан далда бўлмоқда. Амалий ишлар кун сайин кучайса кучаймоқдаки, асло камайган эмас.

**Мирзаобод тумани.** Фавқулодда вазиятлар ва Мудофаа вазирликлари ҳамда Миллий гвардия ходимларидан иборат ишчи гуруҳ аъзолари талафотларни ўз ўрнида бартараф этмоқда. Бунга ўнлаб юк ташувчи автотранспорт воситалари, ўт ўчириш машиналари, экскаваторлар, трактор ҳамда бошқа махсус техникалар жалб қилинган.

Ҳарбийлар айни пайтда, аввало, аҳоли яшаш пунктларига техникаларни киритиш учун йўл ва кўприкларни тозаламоқда. Фуқаролар тураржойларидан эса биринчи галда тўпланиб қолган сувлар чиқариляпти.

Бузилган девор қолдиқлари олиб ташланиб, уй майдонлари обдан тозаланмоқда. Ҳодиса оқибатида унчалик талафот кўрмаган ва сув етиб келмаган тураржойлар, биринчи навбатда, мутахассислар томонидан обдан дезинфекция қилиниб, сўнгра ўз эгаларига топшириляпти. Муҳими, фуқаролар орасида саросима йўқ.

— Давлатимиз раҳбарининг вилоятимизга зудлик билан ташриф буюриши одамлардаги хавотир ва саросимани йўққа чиқарди, — дейди "Мирзачўл" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мустафоқул Тўраев. — Тошқин оқибатлари босқичма-босқич бартараф этиляпти. Ҳозир аҳолимизнинг 80 фоизи қайтиб келди. Уларнинг барчаси хотиржам, вазиятни тўғри тушунишяпти. Озиқ-овқат маҳсулотлари етарли. Икки кун ичида ҳаммаси жой-жойига қайтади.

Президентимиз бошчилигида ўз вақтида кўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида талафот жиддий тус олмади. Муҳими, ҳаёт яна ўз изига тушяпти. Вилоят аҳолиси соғ-омон ва хотиржам. Уларнинг зарар етган уй-жойлари эса давлатимиз кўмаги асосида ҳарбийлар, кўнгиллилар ҳамда аҳолининг ўзи билан биргаликда қайтадан тикланмоқда.

Ишончимиз комилки, яқин кунлар ичида Мирзаобод яна қайтадан обод қиёфага айланиши тайин. Бу эса бирлигимиз, барчасини енгиб ўтишимиздан далолатдир.

**«Халқ сўзи».**

## ҲАММА БИР ТАНУ БИР ЖОН БЎЛИБ ФИДОЙИЛИК КЎРСАТЯПТИ



1

Бу кўмакни аллақачон бошлаб юборган, ижтимоий тармоқлар орқали ва бошқа шаклларда жабрланганларга маънавий мадад бериб турган вилоятимиз зиёлилари ва аҳолисига миннатдорлик билдираман, — деди Э. Турдимов.

Дарҳақиқат, бошқа юртдошларимиз каби самарқандликлар ҳам Сирдарё вилояти аҳолисига ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилмоқда. Жумладан, кеча эрта тонгдан вилоятнинг барча туман ҳамда шаҳарларидаги "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати томонидан қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак ва уй-рўзғор буюмлари, дори-дармон ҳамда бошқа кундалик эҳтиёж учун зарур воситалар юкланган 30 дан ортиқ автомашиналар Жомбой туманида тўпланиб, Сирдарёга жўнади. Ушбу автокарвон орқали қўшни вилоятга 27,6 тонна ун, 27 тонна картошка, 17,5 тонна пиёз, 16,7 тонна ўсимлик ёғи, 12,1 тонна сабзи, 11,8 тонна гуруч, 4,4 тонна макарон, 24 минг дона тухум, 320 кг. гўшт, 3,8 тонна сабзавот маҳсулотлари, шунингдек, 3080 жуфт оёқ-кийим, 5816 дона кийим-бош, 9281 дона кўрпа-тўшак, 1688 дона идиш-товоқ, 6600 дона гигиеник ва 200 турдаги дори-дармон воситалари юборилди.

Ҳудудда қурилиш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш учун 2 та катта қайиқ, 20 дона ҳарбий дала палаткалари, 4 та экскаватор, 2 та автокран ва 3 та бульдозер, 81 юк автомашинасида пойдевор блоклари, тоғ тоши, шағал, бетон жўнатилди.

Кеча бу савобли ишлар давом эттирилди. Регистон майдони олдидан жўнаган навбатдаги инсонпарварлик карвонига вилоят қишлоқ хўжалиги тизимидаги ташкилотлар ҳамда Самарқанд шаҳрининг саховатпеша кишилари томонидан ўсимлик ёғи, тухум, картошка, пиёз, сабзи, саримсоқпиёз сингари озиқ-овқат маҳсулотлари ва турли хил кийим-кечаклар ортилди.

Жумладан, булунғурлик Бахтиёр Ғаффоров ҳам беғараз ёрдам бериш мақсадида Сардобага отланди. Эсонтурди маҳалласи фуқароси Б. Ғаффоров Сардоба тумани аҳолиси учун ўз ҳисобидан 1 тонна гуруч ва туз ажратди. Туманда жамланаётган хайрия ёрдамини ҳам ўзининг юк автомашинасида олиб бориб, керак бўлса, офатдан жабр кўрганларга 1 ой давомида ёрдам бериш ниятини билдирди.

Сирдарёликлар рўбарў келган кутилмаган табиий офатни **Навоий вилояти** аҳли ҳам ўз ташвишлари каби қабул қилиб, нохуш ҳодиса юз берган куннинг ўзидаёқ ёрдам қўлини чўздилар. Хусусан, фаол тадбиркорларнинг дори-дармон, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари юкланган 15 машинадан иборат инсонпарварлик карвони Сирдарёга жўнатилиб, "Салом, Сардоба, биз биргамиз!" хайрия тадбирига қўшилишди. Шунингдек, мазкур акция доирасида вилоят пахтачилик кластери соҳиблари табиий офатдан жабрланган юртдошларимиз учун рўзғор буюмлари билан бирга, кийим-кечакларни ҳам жўнатишди. Умуман, навоийликларнинг ярим миллиард сўмлик миқдорида инсонпарварлик ёрдамини сирдарёликлар қабул қилиб олишди.

— Ушбу синовли кунлар халқимизнинг ҳамжиҳатлиги, ташвишларни ҳар доим сабр-қаноат ҳамда бирдамлик билан енгишдек тарих синовларидан ўтган қадриятларини яна бир бор ҳаракатга келтирди, — дейди "Юксалиш" умуммиллий ҳаракати Навоий вилояти бўлими раҳбари Жамолиддин Ҳамроев. — Алоҳида мамнуният билан таъкидлаш жоиз, юртдошларимиз бошига тушган ташвишни нафақат тадбиркор, балки ҳар бир вилоят аҳли ўз вужудидан ўтказиб, унинг асоратлари қанчалик тез фурсатларда бартараф этилиши истиқболдаги улкан режалар рўёбга чиқишининг кафолати эканлигини англаб туришибди.

Сирдарёда табиий офатдан жабрланганларга ёрдам тариқасида махсус ҳисоб рақамига Навоий вилоятидан 5 миллиард сўм маблағ ўтказиб бериш режалаштирилмоқда.

Сардоба сув омборида содир бўлган фавқулодда вазиятдан зарар кўрган аҳолига **хоразмликлар** ҳам инсонпарварлик ёрдами кўрсатишмоқда. Кеча кийим-кечак, кўрпа тўшак ва озиқ-овқат маҳсулотлари ортилган юк машиналари карвони Сирдарё вилояти томон йўлга чиқди. Кўплаб тадбиркорлар, саховатпеша инсонлар сув тошқини оқибатида жабр кўрган аҳолига моддий кўмак бериш, офат ҳудудини қайта тиклаш ишларида кўнгилли сифатида қатнашиш истагини билдирмоқдалар.

Айтиш керакки, "Хоразм ҳудудий электр тармоқлари" акциядорлик жамиятининг бир гуруҳ ходимлари Бухоро вилоятида кучли шамол натижасида носоз ҳолга келган электр симёғочларини алмаштириш ишларига ҳам яқиндан кўмак бермоқдалар. Шунингдек, Хоразмдан Бухорога қурилиш материаллари ортилган автомашиналар карвони ҳам жўнатилган. Талафот оқибатларини бартараф этиш мақсадида Олот туманига 2696 дона ёки 17 минг 470 метр квадрат профнастиль юборилди. Эртага ушбу вилоятларга яна навбатдаги инсонпарварлик ёрдами юборилади.

Сирдарё вилоятининг офатдан зарар кўрган аҳолисига мамлакатимизнинг барча ҳудудидан меҳр-мурувват ёрдами келиши давом этмоқда.

**«Халқ сўзи».**

## Биронта хонадон, биронта одам эътибордан четда эмас

*Синов. Кейинги пайтда бу сўзни кўп эшитиб, кўп ишлатадиган бўлиб қолдик. Пандемия бир томондан, бошқа томондан кейинги кунларда рўй берган табиий офатлар барчамиз учун имтиҳон бўлмоқда. Зеро, бундай лаҳзаларда, аввало, давлат раҳбарияти ва тегишли тизимларнинг тезкор ҳамда ишончли ҳаракати, халқ дардига муносабати синалади.*

Қолаверса, юртдошларимизнинг бирдамлиги ва меҳр-оқибати даражаси яққол кўринади. Сирдарё вилоятининг Сардоба сув омборидаги фалокат натижасида рўй берган тошқин ҳам бунга мисол. Чўл ўртасидаги денгиз дея таърифланган мазкур иншоот қурилиши 2010 йилда бошланиб, 2017 йилда тугалланган. Гидроиншоотда 922 миллион куб метр сув тўпланади. Бу Сирдарё ва Жиззах вилоятларидаги унумдор ерлардан фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш имконини берди.

Сўнгги кунларда ёққан кучли ёмғир ва шамолга сув омборининг деворлари дош беролмади. Шунга қарамай, воқеа содир бўлиши билан тезкор чоралар кўрилди.

Воқеа жойига Президент Шавкат Мирзиёев етиб келди. Ҳукумат комиссияси тузилиб, офат оқибатларини бартараф этиш, аҳолини эвакуация қилиш ва уларга ҳар томонлама ёрдам бериш бўйича чора-тадбирлар кўрилди. Давлат раҳбари биронта хонадон, биронта одам эътиборсиз қолмаслигини таъкидлади. Бу ҳам бўлса Юртбошимизнинг халқ дарди билан яшаши, туну кун фақат одамлар ҳақида ўйлашидан далолатдир. Давлат раҳбари аҳоли вакиллари билан мулоқотда вазият тўлиқ назоратга олинганини маълум қилди.

Сирдарёга ҳукумат аъзолари ҳам етиб боришган. Президентимиз шароит яхши бўлмагунича, бирорта раҳбар, унинг бошчилигида, ҳеч қаёққа кетмаслигини таъкидлаб ўтди.

Ўз вақтида кўрилган самарали чора-тадбирлар туфайли Сардоба, Оқолтин, Мирзаобод туманларидаги 22 та аҳоли пунктидан 70 мингга яқин фуқаролар Сирдарё ва Жиззах вилоятлари ҳудудларига эвакуация қилинди. Афсуски, табиий офат оқибатида шикастланганлар ҳам бўлди. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги хабарига кўра, 56 киши турли даражада жароҳат олиб, шифохонага ётқизилган. Жами 17300 киши тиббий кўрикдан ўтказилган.

Бундан ташқари, эҳтиёт чораси сифатида яна 3 минг кишига мўлжалланган захира ўринларини ташкил этиш бўйича ишлар бажарилди. Хавфсиз жойга кўчирилганларга зарур шарт-шароитлар яратилди. Улар иссиқ овқат, дори-дармон ва дам олиши учун жой билан таъминланди. Ҳозирги эпидемиологик вазиятдан келиб чиқиб, барча тадбирлар санитария-гигиена қоидаларига риоя этган ҳолда амалга оширилмоқда. Шу билан бир қаторда, омборнинг сув тошқини рўй берган қисмини мустаҳкамлаш ишлари олиб бориляпти.

Бу вазиятда халқимиз ҳам жим қараб тургани йўқ. Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда тошқиндан жабр кўрганларга кўмак акцияси ташкил этиляпти. Сирдарё вилояти аҳолиси сардобаликларга ўз уйларидан жой беришди. Қисқача айтганда, халқ ўз фарзандларини ташлаб қўймади.

Энг асосийси, қурбонлар бўлмади. Бузилган уйлар қуриб берилади, жароҳатлар тузалади, мол-ҳол қайта тикланади. Муҳими — офатга учраган инсонларнинг кўнгли бутун, улар атрофдагиларнинг меҳри тафтини сезиб турибдилар. Умуман, Сардобадаги бу ҳодиса халқимизни довдиратиб қўймади, аксинча, янада жипслаштирди.

**Холида АЛИМОВА,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

## Вазият тўлиқ назоратга олингани кўнгилларга таскин берди

*Халқимиз қанчадан-қанча синовли кунларни, қийинчилигу азоб-уқубатларни бошдан кечирган бўлмасин, уларнинг барчасини улкан матонат, сабр-бардош билан енгиб ўтган.*

Сардоба сув омборида юз берган нохуш ҳодиса чоғида ҳам элимизнинг ана шу хислати яна бир бор намоён бўлди. Тошқинни бартараф этиш ишларига нафақат Сирдарё вилояти, балки қўшни Жиззах вилоятидан, пойтахт ва республиканинг бошқа ҳудудларидан қутқарувчилар, мутахассислар, автотехникалар, зарур кучлар жалб этилди.

Кези келганда айтай, Сирдарё вилоятидан парламент қуйи палатасига сайланган депутат сифатида тошқин содир бўлгани ҳақидаги дастлабки хабарни ижтимоий тармоқларда ўқиганим ҳамон жиддий ташвишга тушдим.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг зудлик билан ҳудудга етиб боргани эса саросимага, кучли тушкунликка тушиб қолган одамларнинг кўнглига ёруғлик индирди. Давлатимиз раҳбарининг уй-жойи, бошпанасидан айрилган одамлар билан юзма-юз мулоқот қилиб, вазият тўлиқ назоратга олингани, ҳеч ким давлатимиз эътиборидан четда қолмаслигини айтгани жабрдийда сардобаликлар қатори менга ҳам чексиз тасалли-таскин берди. Далда бўлди.

Халқимиз бировнинг ташвишига ҳеч қачон томошабин бўлиб, қараб туролмайди. Шу маънода, Сардоба воқеасини эшитган қанчадан-қанча тадбиркорлар, саховатпеша юртдошларимиз эвакуация қилинган одамларга ёрдам қўлини чўзишга шошилгани, аксарияти жабрдийдаларга ўз хонадонидан жой бергани хавотиримизни аритди. Саховатпеша инсонлар ва ҳомийлар томонидан зарурий озиқ-овқат, ичимлик сув, тиббий ниқоб, антисептик воситалар ва бошқа тиббиёт воситалари етказиб берилаётгани инсонпарварлик хислати халқимизнинг қон-қонига сингиб кетганини англатади.

Коронавирус пандемияси туфайли жорий қилинган карантин мобайнида ҳам, яқинда Бухоро вилоятида юзага келган табиий офат чоғида ҳам бунга гувоҳ бўлган эдик.

Шукрки, бу фалокатда экин майдонлари, айрим аҳоли пунктлари, инфратузилма зарар кўрган бўлсада, одамлар ҳаёти хавфдан фориғ қилинди. Сабр-тоқатли, меҳнатсевар ва бағрикенг сирдарёликлар бу синовларни бир мушт бўлиб, матонат билан, албатта, енгиб ўтади.

Қанчалик ташвишли бўлмасин, Сардоба сув омборида кузатилган ҳодиса барчамизнинг кўзимизни очди. Аввало, мамлакатимизнинг йирик гидроиншоотлари, сув омборларида хавфсизликни таъминлаш нақадар муҳим эканини кўрсатди. Бу воқеадан барчамиз хулоса чиқармоғимиз лозим. Токи, халқимизнинг ҳаёти ва хавфсизлиги, юрт осойишталигини таъминлаш устувор мақсадимиз экан, бу каби масалаларга жиддий эътибор бермоғимиз, керак бўлса, парламент даражасида аҳамият қаратмоғимиз шарт.

**Комилжон ЭРНАЗАРОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

## ҚОРАКЎЛ ЯНА ОБОД ВА ФАЙЗЛИ МАНЗИЛГА АЙЛАНАДИ

1

Ҳудудимизда 750 та хонадон бор. Шуларнинг 300 дан зиёди зиён кўрди. Юқори кучланишли электр тармоқларининг 30 фоизи, паст кучланишли тармоқнинг 40 фоизи авария ҳолатига келиб қолди. Ҳозир соҳа мутахассислари тиклаш ишларини олиб боришяпти. Ҳозиргача мингтадан зиёд шиферлар ажратилди. Уни аҳолига тарқатяпмиз.

Эл бошига ташвиш тушганида ўзини эмас, ўзгаларни ўйлаган диёнатли инсонлар борлигини эшитиб қувонасан, киши. Абдураҳмон Жумаевга ана шундай тадбиркорлардан бири, дея таъриф беришди. У 250 та хонадонга ўз ёнидан 30 миллион сўм сарфлаб, озиқ-овқат маҳсулотлари етказибди.

Яна бир муҳим жиҳати шундаки, бу синов одамларни жипслаштирди.



— Билим даргоҳимизда 450 нафар ўқувчи таҳсил олади, — дейди тумандаги 16-умумтаълим мактаби психологи Пўлат Жўраев. — Кўриб турганингиздек, ўқув биноларининг том қисми, дераза ва эшиклар жиддий зарарланди. Шамол мактабимиздаги ўттиздан зиёд дарахтни қўпориб ташлади. Аммо қўл қовуштириб турганимиз йўқ. "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятига қарашли корхоналарнинг ишчилари ёрдамга келишди. Биз, ўқитувчилар ҳам ўз ташаббусимиз билан мактаб ҳудудида офат талафотларини бартараф этиш ишларига кўмаклашяпмиз.

Эътиборлиси, туманда таъмирлаш, қайта тиклаш, ободончилик юмушлари кечаю кундуз давом этмоқда. 200 дан зиёд техникалар ажратилган. 2 май ҳолатида аҳолига 21 мингта шифер тарқатилди. Ижтимоий соҳа объектларида 47 та пудратчи ташкилот таъмирлаш ишларини олиб бормоқда.

**Истам ИБРОҲИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

# ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРНИ ТАНЛОВ АСОСИДА ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШДА РАҚОБАТ КУЧАЙИШИ КЕРАК

*Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида таълим ва илм-фан соҳаларини такомиллаштириш борасида ҳам бир қатор вазифалар белгилаб берилган эди. Шу асосда дунёнинг ривожланган давлатлари илғор тажрибаларини ўрганган ҳолда 2017 — 2021 йилларда олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш дастури ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этилди. Бу ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.*

## Олий таълим

Президент Фармон ва қарорлари асосида олий таълим муассасалари (ОТМ)нинг қабул квоталари босқичма-босқич оширилди, шунингдек, ўқишга қабул қилиш жараёнлари ҳам шаффофлашди, билимли, истеъдодли ва қобилиятли ёшларни ўқишга қабул қилиш тизими яратилди. Янги ОТМ, таълим йўналишлари, магистратура мутахассисликлари, таълимнинг сиртқи ва кечки шакллари очилди. Рейтинги юқори хорижий ОТМ билан ҳамкорлик кучайди. Олий ўқув юртларининг моддий-техника базаси тубдан яхшиланди. Профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, илмий даражаси ва илмий унвонларига нисбатан меҳнатга ҳақ тўлаш тизими такомиллаштирилди, ўқитувчилар мавқеи, меҳнат ҳақи оширилди. Натижада олий таълим тизимидаги жуда кўп муаммолар ижобий ҳал бўлмоқда.

Лекин йиллар давомида йиғилиб қолган масалаларнинг барчаси ҳам ечим топгани йўқ. Бу муаммоларнинг бири ОТМга профессор-ўқитувчиларни танлов асосида ишга қабул қилишда рақобатнинг етарли даражада эмаслиги билан боғлиқ.

Маълумки, қайси жараёнда рақобат кучайса, албатта, ривожланиш ва такомиллашиш бўлади. Лекин аксарият олий таълим муассасаларимизда профессор-ўқитувчиларни танлов асосида ишга қабул қилишда рақобат жуда паст даражада. Таққослаш учун келтирсак, АҚШ олий ўқув юртларида профессор-ўқитувчининг вакант жойини эгаллаш учун ўртача 100 та ариза тушади. Айрим рейтинги юқори ОТМда 150 тагача боради. Бу ариза берувчилар илмий даражага эга ва дунё илм-фанида машҳур олимлардир. Бизда эса, асосан, ҳудудларимизда жойлашган институт ва университетларнинг айрим таълим йўналишлари учун профессор-ўқитувчининг вакант ўрнига битта ҳам ариза тушмайдиган ҳолатлар мавжуд. Сабаби бу таълим йўналиши бўйича ОТМ жойлашган ҳудудда илмий салоҳиятга эга мутахассислар жуда кам ёки умуман йўқ. Натижада ишга қабул қилинган кўпчилик профессор-ўқитувчиларнинг билим савияси, педагогик маҳорати замон талаблари даражасига жавоб бермайди ва олий таълим тизимида бир қанча муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

ОТМдаги стажёр-ўқитувчи, ассистент, катта ўқитувчи, доцент, профессор лавозимларининг бирига ишга кирган профессор-ўқитувчи, биринчи навбатда, педагогик маҳоратга эга, яъни ўз касбининг моҳир устаси, юксак даражада маданиятли, ўз фанини чуқур биладиган, ёндош фанлар соҳаларини яхши таҳлил эта оладиган, тарбиялаш ва ўқитиш услубиятини мукаммал эгаллаган мутахассис бўлиши керак. Талабаларнинг маълум бир фанни чуқур ўзлаштириши ўқитувчининг педагогик маҳоратига тўғридан-тўғри боғлиқ. Шунинг учун танлов асосида ишга қабул қилинган ўқитувчи ўзи дарс ўтадиган фанини чуқур билиши, фан дастурига тегишли мавзуларни талабаларга тушунарли тарзда етказа олиши, талабаларнинг фанни ўзлаштиришини назорат қилиши билан бирга, педагогика ва психология каби фанлар соҳасидаги билимларни, ўқув-тарбиявий ишлар методикасини пухта эгаллаши керак бўлади. Афсуски, ҳозирги вақтда ОТМга ишга олинаётган баъзи ўқитувчиларнинг савияси бундай талабларга мос эмас. Айрим ҳолларда танловга ишлаб чиқариш соҳаларидан ходимлар ариза беради ва рақобатнинг йўқлигидан, мазкур йўналиш бўйича дарс берадиган ўқитувчиларнинг етишмаслигидан ОТМга ишга қабул қилинади. Улар ишлаб чиқаришнинг маълум бир соҳаси бўйича яхши мутахассис бўлиши мумкин, лекин кўп ҳолларда уларга педагогик маҳорат етишмайди. Албатта, бу факторлар талабаларнинг фанларни ўзлаштириш, чуқур ўрганиш даражасига салбий таъсир қилиб, уларнинг келажакда малакали кадрлар сифатида етишишига тўсқинлик қилади. Қолаверса, коррупция ҳолатининг юзага келишига сабаб бўлади. Шунингдек, танлов асосида ишга қабул қилишда рақобатнинг етарли даражада эмаслиги профессор-ўқитувчиларнинг илмий фаолияти самарадорлигига, ўқув-методик ишлари мазмунига, ўқитиш сифатига, талабалар билими даражасига тескари таъсир қилиб, ОТМ рейтингининг паст бўлишига олиб келади.

Бу муаммоларни маълум даражада ҳал этиш учун профессор-ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини доимий аниқлаб бориш керак, бунинг учун эса талабалар фикри ва баҳолашига асосланиш яхши натижа беради. Мазкур тажрибадан АҚШдаги рейтинги юқори бўлган ОТМ фойдаланади. Ҳатто талабаларнинг баҳолашига кўра, ўқитувчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш миқдори белгиланади. Агар талабалар томонидан ўқитувчи фаолиятига, педагогик маҳоратига паст баҳо қўйилса, бу профессор-ўқитувчилар билан ОТМ раҳбарияти ўртасида шартномани бекор қилишга асос бўлади. Бўш қолган ўринга эса 100 — 150 нафар соҳа мутахассиси томонидан қисқа вақт оралиғида аризалар келиб тушади. Натижада профессор-ўқитувчилар рақобатнинг кучлилиги, меҳнатга иш ҳақининг юқори бўлиши ва ишдан бўшаб қолмаслик учун ўз устида тинимсиз ишлаб, педагогик маҳоратини, касбий малакасини узлуксиз равишда ошириб боради. Шунинг учун ҳам АҚШ олий таълими тизимида профессор-ўқитувчиларнинг малакасини юксалтириш, деган тушунчанинг ўзи мавжуд эмас.

Умуман айтганда, бошқа соҳалар сингари олий таълим тизимида ҳам муаммолар кўп. Уларни тез фурсатларда ҳал этиш жуда қийин бўлса-да, энг муҳими, бугун Ўзбекистон олий таълим тизимида ўзгаришлар бошланган. Муаммоларни ҳал этиш эса соҳа мутасаддиларидан янада катта шижоат ва ғайрат талаб этади.

**Мухтор ИБРАГИМОВ,**
**Муҳаммад ВАЛИЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзолари.**

## Акс садо

*Президентимизнинг шу йил 7 апрель куни қабул қилинган “Тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори юртимизда илм-фан тоабад яшнашига ҳар биримизнинг қалбимиздаги ишончни яна бир бор мустаҳкамлайди.*

# Малакали мутахассислар — тизим тараққиётида асосий куч

Бугунги кунда дунёда коронавирус пандемияси билан боғлиқ кузатилаётган мураккаб ҳолат, ҳатто ривожланган давлатларда ҳам тиббиёт соҳасида етук кадрлар етишмовчилигини яққол билдириб қўйди.

Давлатимиз раҳбарининг қарорига кўра, юртимизда соҳа кадрларини замонавий таълим стандартлари асосида тайёрлаш, тиббиёт ташкилотлари, айниқса, бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларини профессионал мутахассислар билан таъминлашга эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, мамлакатимиздаги 47 та тиббиёт коллежи Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумлари этиб қайта ташкил этиляпти. Бу аҳолига бирламчи тиббий санитария ёрдами кўрсатадиган ўрта махсус маълумотли кадрлар тайёрлашнинг сон ва сифат кўрсаткичи ошишига олиб келади.

Мазкур техникумларни муваффақиятли тамомлаган битирувчилар ўз соҳасига мос тиббиёт олий таълим муассасаларининг бакалавриат таълим йўналишлари бўйича кириш имтиҳонларисиз якка тартибдаги суҳбат орқали олий таълим муассасаларида 2-курсдан ўқишини давом эттириш ҳуқуқига эга бўлиши ёшларнинг соҳага бўлган қизиқишини оширади. Шунингдек, бу қуйидан — юқори босқичга тенденцияси асосида тиббиёт соҳаси кадрларини тайёрлашда ўзига хос механизмга айланади.

Қарорда жамоат саломатлиги ва санитария-эпидемиология назорати хизматлари соҳасида олий маълумотли кадрларни тайёрлаш бўйича алоҳида тиббиёт олий таълим муассасаларини ташкил қилиш назарда тутилмоқда.

Шу боис Ўзбекистонда Н. И. Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт университети ҳамда Туркия Бахчишеҳир университетининг филиаллари ва клиникаларини, шунингдек, мамлакатимиздаги тиббиёт олий таълим муассасаларида халқаро рейтингларга кирувчи нуфузли хорижий тиббиёт таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари асосида халқаро факультетлар ҳамда филиалларни очиш белгиланди.

Соҳа вакилларининг чет мамлакатларга бориб, ортиқча вақт, маблағ сарф этиб, илмий тадқиқот олиб бориши, малакасини оширишига зарурат қолмади. Чунки мазкур қарорга асосан 2020 йил 1 сентябрдан Нукус, Андижон, Бухоро, Самарқанд, Урганч ва Фарғона шаҳарларида жойлашган тиббиёт олий таълим муассасаларида белгиланган тартибда фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражаларини берувчи илмий кенгашлар ташкил этилмоқда.

Шунингдек, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази этиб қайта ташкил этилиб, Тошкент шаҳридаги 1-сон Республика клиник шифохонаси негизида унинг кўп тармоқли клиникаси тузилаётир. Тиббиёт олий таълим муассасалари мавжуд бўлмаган Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Наманган ва Сирдарё вилоятларида марказнинг филиаллари очиляпти.

Марказнинг халқаро стандартларга жавоб берадиган ўқув-симуляцион маркази ҳам ташкил қилинаётгани соҳада юқори билимли етук мутахассислар тайёрлашга қулай шароит яратишига ишончимиз комил.

**Рашид РЎЗИБОЕВ,**
**Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали директори.**

## Ҳаётий ҳикоя




*Дилшод бозордан қайтди.*

*— Қалай? — деди сўрида ёнбошлаб ётган Ҳайдарали.*

*— Яхши, — деди Дилшод. — Йўллар очиқ. Марказга кираверишда тўхтатишди. Кейин юкимга кўзлари тушиб, “Оқ йўл” дейишди...*

*— Ўзиям янги картошкани кўриб, қичқириб юборгандир бозордагилар?*

*— Қаёқда! — деди Дилшод. — Оғасаройлик биттаси боракан. Маҳсулотини кўрсангиз! Картошка эмас, Ғовасойнинг қайроқтошими дейсиз? Тўрттаси бир кило чиқяпти. Пиёзини айтмайсизми?*

— Ростданми? — ёнбошини кўтариб, бошига дўпписини иларкан ўғлига ишонқирамагандек қаради Ҳайдарали. — Ким у, кимнинг боласи экан, билмадингми?

— Исми Исмоилжон экан. “Бир ярим гектар еримиз бор. Бурунги йилги даромадимиздан “Малибу”, ўтган йили бўлса, трактор олдик”, дейди. Қишлоқда картошка, пиёз, сабзи деганлари биринчи бўлиб ўшаларнинг даласида пишаркан. Яна беш-ўн бош новвос ҳам боқишар экан. Шу туфайлими, отасини маҳаллада “Маҳмуд миллион” дейишаркан...

— Э, бўлди! — чеҳраси ёришди Ҳайдаралининг. — Танийман уни...

...Ҳайдарали Маҳмудни ўтган йили тумандаги бир йиғинда кўрганди. Ўшанда залда “ана миллион келди...” деган шивир-шивир бўлиб қолди. Ҳайдарали ҳамма қараган томонга ўгирилиб, ўрта бўйли, қотмагина, уст-бошлари ҳам уринганроқ, эллик ёшлар чамасидаги “пачаққина” кишига кўзи тушган, “нимаси миллион буни?” деб ўйлаган, ичида кулибгина қўйганди. Ўша йиғинда туман раҳбари иш кўзини биладиган, омилкор деҳқон сифатида Ҳайдарали билан ана шу Маҳмудни тилга олди. “Ҳар иккалалари ҳам ўз томорқа хўжаликларидан ҳар йили 150 — 200 миллион сўм даромад топишяпти. Ҳар карич ердан самарали фойдаланишни ана шулардан ўргансак арзийди”, деди. Ҳайдарали йиғилишдан кейин “миллион” билан яқиндан танишмоқчи эди, чиқаётиб издиҳомда изини йўқотди...

Буни қарангки, орадан уч-тўрт кун ўтиб, Маҳмуднинг ўзи даласига излаб келди. Очиқ-ёруғ йигит экан. “Э, устоз, таърифингизни кўп эшитганман. Биз очиқ далада ҳосил етиштирамиз. Сиз бўлса, ҳам боғнинг, ҳам экин-тикиннинг жонини киритаркансиз. Ишингизни бир кўрай, деб келдим”, дея қучоқлашиб кўришди.

Ҳайдарали оғасаройлик ҳамкасбига боғини бажонидил кўрсатди. Салкам икки гектар ерга шахмат усулида экилиб, мевасини кўтаролмай ётган дарахтлар қатор ораларида помидор, булғор қалампири, бақлажонларни кўриб Маҳмуднинг кўзлари ёнди. Боғ ёнбошидаги иссиқхонани, ўттиз-қирқ чоғли қўчқор боқилаётган қўрани, ундан сал наридаги товуқхонаю куркахонани кўздан кечираркан, “Қойил, сиздан ўрганса арзийдиган нарсалар кўп экан”, деди. Ҳайдарали бир пиёла чойга таклиф қилганди, иши зарурлигини айтиб, “Бир биз томонга ҳам ўтасиз, маслаҳатларингизни берасиз”, дея хайрлашиб кетди.

Ҳайдарали шуларни ўйларкан, хаёли “миллион”нинг ўғли бозорда сотаётган “қайроқтош” картошкаларда бўлиб қолди. “Қанақа нав экан? Қаердан олган экан?..” ўйларди у. “Яхшиси, бориб ўз кўзим билан кўраман...” У шу ўй билан ўрнидан турди.

— Дилшод! — дея ўғлини чақирди. — Машинани ҳозирла, анави гилосдан бир пақир узиб ол. Бир “миллион”ни кўриб, ҳорма деб келамиз.

Сал ўтмай, ота-бола минган “Жип” Оғасаройнинг йўлида кетиб борарди...

**Ортиқали НОМОЗОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# Барча саъй-ҳаракатларимиз аҳоли дастурхони учун

*Президентимиз раислигида 29 апрель куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида таъкидланганидек, экин ерларидан унумли фойдаланиш, бозорларимизни арзон нархдаги қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир. Юртимиз бўйлаб бу борада қатор саъй-ҳаракатлар олиб боriляпти.*

## Дил сўзи

Жумладан, бизнинг тумандаги мавжуд 2653 гектар томорқаларда картошка, помидор, бодринг, лавлаги, бақлажон, булғор қалампири каби зарур маҳсулотлар етиштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Минг гектардан ошиқ майдонларда эса тўқсонбости экинлар парваришланяпти.

Пандемия шароитида бозорларимизнинг файзу баракасини таъминлашга йўналтирилган бундай саъй-ҳаракатларимиз бугун ўз натижасини беряпти. Деҳқонларимиз қарийб бир ойдирки, олди маҳсулотларни сотувга чиқарди. Ҳозир далаларда қулупнай пишиб етилди. Боғ ва токзорлар, сабзавот-полиз экинлари ҳам пешма-пеш ҳосилга киради. Ҳадемай ғаллага ўроқ тушади.

Коронавирус туфайли жорий этилган карантин чекловлари маҳсулотларимизни бозорга тақдим этишда бир қатор ноқулайликлар туғдираётганди. Пандемия чекловларининг босқичма-босқич юмшатилиши, бозорларимизга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини 24 соат давомида узлуксиз етказиб бериш тизимининг яратилиши бу борадаги муаммоларга чек қўйди. Чунки шу пайтгача пойтахтга борадиган йўлларда автоуловлар ҳаракатланишидаги айрим тақиқлар тез бузиладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бозорларга етказишда қийинчиликлар туғдираётганди.

Давлатимиз раҳбарининг фермер ва деҳқонлар меҳнатига бўлган ҳурмат ва эътибори барча соҳибкору боғбонларга янги куч-ғайрат бағишламоқда. Айни кунларда туманимиздаги боғдорчилик, чорвачилик, парранда ва балиқчилик йўналишларидаги хўжаликларда ички бозорларимизни арзонлаштирилган маҳсулотлар билан таъминлаш учун бор имкониятлар ишга солинаётир. Мақсадимиз эл-юрт дастурхонини йил давомида арзон нархдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашга муносиб ҳисса қўшишдир. Буни, албатта, уддалаймиз.

**Баҳром УМРЗОҚОВ,**
**Чиноз тумани фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси.**

# ЮРИДИК КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ СОҲАСИ ЗАМОН ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

*Яқинда давлатимиз раҳбари томонидан “Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармон қабул қилинди.*

*Мазкур ҳужжатда юқори малакали мутахассис-ҳуқуқшуносларни тайёрлаш, юридик таълим ва фанни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди. Бу эса юридик таълим ҳамда фан тизимини тубдан такомиллаштириш, уларнинг халқаро таълим майдонидаги рақобатбардошлигини таъминлаш, юридик кадрлар тайёрлаш сифатини янада оширишга хизмат қилади.*

*Шулар ва Фармоннинг мазмун-моҳияти ҳамда аҳамияти хусусида кенг жамоатчилик вакиллари, халқаро экспертларнинг фикрларини ёзиб олдик.*

## Муносабат

**Раҳимжон ҲАКИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси адлия вазири ўринбосари, Тошкент давлат юридик университети ректори:**

— Бугун ушбу ҳужжатни ҳаётнинг ўзи талаб қиляпти. Тан олишимиз керак, охирги ўн йилликда юридик таълим бошқа соҳалар каби ҳаётдан анча орқада қолган эди. Инвестиция, тадбиркорлик ҳуқуқи масалаларида, халқаро арбитраж, тижорат ва бизнес ҳуқуқи, қишлоқ хўжалиги ҳамда аграр соҳаси ҳуқуқи масалаларида юристлар етишмайди.

Иккинчи томондан, ёшларимизда юридик таълим олишда имконият ҳам кам эди. Шунинг учун улар чет давлатларга бориб, ўқишга ҳам мажбур бўлаётганди. Ҳозиргача қабул квотаси йилига 600 та бўлган бўлса, энди 2000 нафар юристни тайёрлаш имконияти юзага келмоқда. Шу нуқтаи назардан, Фармон тарихий аҳамиятга эга.

Қолаверса, ТДЮУ “юриспруденция” мутахассислиги бўйича юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш юзасидан базавий олий таълим ва илмий-методик муассаса этиб белгиланди. Бугун бизнинг таълим муассасамизга жуда катта академик эркинлик бериляпти. Хорижий олий ўқув юртлари билан ҳамкорликда ўқув дастурларини шакллантириш, қолаверса, молиявий мустақиллик ҳам тақдим этиляпти. Бу катта янгилик.

Фармонда қайд этилганидек, юридик кадрларни тайёрлаш соҳасида рақобатнинг мавжуд эмаслиги миллий юриспруденция илмий мактабининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатмоқда, қолаверса, ҳудудлардаги иқтидорли ёшлар учун тенг таълим олиш имкониятларини чекламоқда.

Яъни юридик таълим фақатгина пойтахтда бериладиган тизим сифатида шаклланиб қолган эди. Эндиликда Самарқанд, Наманган ва Термиз давлат университетларида юридик факультетлар очиляпти, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Давлат ва ҳуқуқ институти ташкил этилмоқда. Шунингдек, масофавий таълим тизимини жорий этиш вазифалари белгилаб берилди. Бу ёшларнинг юридик таълим билан қамровини жорий йилнинг ўзида камида 2 баравар ошириш имконини беради.

**Рақамларга эътибор берайлик, бугунги кунда юртимизда йилига мингга яқин ҳуқуқшунос кадрлар тайёрланади. Бу эса мавжуд талабдан анча кам. Ваҳоланки, айни пайтда йирик хўжалик субъектларининг хорижий мамлакатларда ҳам корхона ҳуқуқ ва манфаатларини ифодалай оладиган 5000 дан ортиқ ҳуқуқшуносларга эҳтиёжи бор. Мавжуд 540 000 тадбиркорлик субъектининг ҳуқуқшунос билан таъминланганлик даражаси 10 фоизга ҳам бормайди. Бугун қишлоқ хўжалиги соҳасида 300 дан ортиқ ҳуқуқшунослар ишлайди, лекин яна 400 дан ортиқ мутахассисларга зарурат бор.**

- ТДЮУда **халқаро ҳуқуқ ва қиёсий ҳуқуқшунослик** факультети ташкил этилади;
- **юридик кадрларни тайёрлашга буюртма** шакллантиришнинг тартиби жорий этилади;
- **ўқитишнинг кредит-модуль тизими** ва талабалар билимини баҳолаш усуллари такомиллаштирилади, ўқув жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари кенг қўлланилади;
- **клиник юридик таълимни ривожлантириш** йўли билан ўқув жараёни ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти ўртасида узвий алоқа таъминланади;
- ўқиш учун тўлов миқдорини ўрнатган ҳолда ТДЮУ бакалавриат ва магистратурасига табақалаштирилган тўлов-контракт асосида **қўшимча қабул параметрлари** белгиланади.

**Талгат НАРИКБАЕВ,**
**М. Нарикбаев номидаги Қозоғистон давлат юридик университети бошқаруви раиси:**

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг кадрлар тайёрлаш тизимини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш ва юридик таълимга халқаро тажрибани татбиқ этиш борасидаги Фармони ўз вақтида эълон қилинди, деб ҳисоблайман.

Бу ҳужжатда ҳамкор таълим дастури ҳам бор. Ва мен Қозоғистон давлат юридик университети биринчилардан бўлиб Тошкент давлат юридик университетининг халқаро ҳамкори сифатида белгиланаётганидан беҳад хурсандман. Бизнинг битирувчиларимиз иккита дипломга эга бўлиб, ҳам Ўзбекистон, ҳам Қозоғистон ҳудудларида фаолият олиб боришлари мумкин бўлади.

**Алишер МАҲМУДОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи:**

— Ушбу Фармон билан ТДЮУда ҳам коррупцияга қарши курашишнинг яхлит тизими яратилмоқда. Яъни талабаларнинг юриш-туриши, уларнинг ўқитувчилар билан муносабатларини тартибга солувчи одоб-ахлоқ кодекси қабул қилинади.

Шу билан бирга, университетда ходимларни коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этишга оғдириш мақсадида мурожаат қилиш ҳолатлари ҳақида хабардор қилишнинг шаффоф тартибини тасдиқлаш ҳамда Коррупцияга қарши курашиш бўйича комиссия тузилади. Буларнинг барчаси коррупциянинг олдини олишда муҳим ўрин тутади.

Эндиликда давлат органлари, корхона, муассаса ва ташкилотлар билан бир қаторда, прокуратура органлари ҳам ўзларининг юридик кадрларга бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб, университетга буюртма бериши мумкин.

**Нодирбек САЛАЕВ,**
**Тошкент давлат юридик университети проректори:**

— Замонавий дунёда ҳуқуқ соҳаси мутахассисларига эҳтиёж катта. Ушбу жабҳанинг йўналишлари ҳам жуда кенг ва уларнинг барчаси учун малакали кадрлар зарур. Шу маънода, мазкур Фармоннинг қабул қилингани яхши бўлди.

Ҳужжат билан юридик таълим ва фанни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди. Шулардан бири — Тошкент давлат юридик университетида “Электрон университет” (E-University) тизимини жорий этиш билан боғлиқ.

Ушбу лойиҳанинг татбиқ этилиши натижасида университетнинг барча фаолияти рақамлаштирилади. Бу эса очиқлик, шаффофлик, субъективлик ҳамда суиистеъмолчиликлардан холи бўлган таълим муҳитини яратишда қўл келади.

**Рейчел КЕЙН,**
**Брук хаус коллежининг ҳамкорлик алоқалари бўйича директори (Буюк Британия):**

— Биз Тошкент давлат юридик университети билан ҳамкорлик қилишдан жуда мамнунмиз. Университетимиз ушбу таълим муассасаси билан турли лойиҳалар бўйича иш олиб боради.

Ҳамкорлигимиз ўқитувчи, профессор кадрлар жамоасини тайёрлаш, коллежимиз томонидан биринчи босқич талабалари учун ишлаб чиқилаётган дастурлар ҳақида батафсил маълумотлар бериб бориш, шунингдек, юридик университет вакилларини Буюк Британияга таклиф қилиш ҳамда инглиз профессорлари билан ҳамкорликни ташкил этиш бўйича олиб борилади.

**«Халқ сўзи».**



# ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРГА АСОСЛАНГАН ИННОВАЦИОН ТУЗИЛМА

## қишлоқ хўжалигида қўшимча қиймат «занжири»ни яратиб, экспорт салоҳиятини оширади

***Кластер элга манфаат келтиради, одамларни иш билан, даромад билан таъминлайди. Энг катта мақсадимиз мана шу.***

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат МИРЗИЁЕВнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан**

*Бугунги кунда иқтисодиётимизнинг кўплаб соҳалари, айниқса, қишлоқ хўжалигида иш юритишнинг янгича шакли — кластер усули тобора оммалашмоқда. Айни шу йўсинда фаолият юритаётган субъектлар амалиётда қўллаётган янгиликлар, қўлга киритаётган ютуқлар таҳлили кластерлар соҳада туб ўзгаришлар ясаб, уни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишига ишонч уйғотмоқда.*



### Кластер

- ***Хўш, кластернинг афзаллиги қандай?***
- ***Улар эришаётган муваффақиятлар сири нимада?***

Аввало, шуни айтиш жоизки, кластерлар ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолгани йўқ. У иқтисодий ривожланиш, ихтисослашувлар тақсимоти ва ишлаб чиқариш кооперацияси жараёнида чуқур стратегияга таянилган ҳолда юзага келган инновацион тузилмадир. АҚШдаги мамлакат электроника ва ҳисоблаш техникаларининг қарийб ярми жамланган Силикон водийси, Калифорниядаги дунёга машҳур узумчилик ва виночилик кластери бунга ёрқин мисолдир.

Европа комиссияси 2006 йилдаёқ кластерларга эътиборни кучайтириш ғоясини илгари суриб, шундай мурожаат қилган эди: “Кластернинг бир қисми бўлиш бизнесда устунликка эришиш гаровидир. Кластерлар бизнес, тадқиқотлар ва ресурслар ўртасидаги бўшлиқни тўлдиришга ёрдам беради. Шундай қилиб, бозорга ҳам тез суръатларда билимларни етказади. Муваффақиятли кластерлар интенсив рақобат билан бир вақтнинг ўзида ҳамкорликни тарғиб қилади. У маҳсулдорликни кўпайтиради, инвестицияларни жалб этади, тадқиқотларни илгари суради, саноат базасини кучайтиради, махсус маҳсулотлар ва хизматларни ишлаб чиқади ҳамда малака ошириш пойдеворига айланади”.

Европадаги минтақавий сиёсат дастурида нафақат илғор шаҳарлар, балки нисбатан камбағал қишлоқ жойларида ҳам ҳудудий инновацион кластерларни ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганининг боиси ҳам шунда. Хусусан, кўҳна қитъанинг қатор мамлакатлари ўзларининг инновацион дастурларини шакллантиришда ҳамон кластер усулидан самарали фойдаланмоқда. Зеро, қаердаки ишлаб чиқариш техникаси ва технологияларини юксалтириш асосида янги бозорларга чиқиш зарурати ёки имкониятлари мавжуд бўлса, айнан ўша ерда илм ва амалий самарага асосланган кластерлар яратилади. Давлат ташаббуси ва қўллаб-қувватлаши билан олиб бориладиган кластерлаштириш жараёнлари эса юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, инновацион жараёнларни фаоллаштиришга туртки беради. У хом ашёни комплекс қайта ишлаш, тежамкор технологияларни қўллаш, ихтисослашув ва кооперация даражаларини чуқурлаштиришни таъминлайди. Бу эса кластер таркибига кирадиган корхоналар маҳсулотлари ҳамда хизматларининг миллий ва халқаро бозорлардаги рақобатбардошлигини оширади. Юртимизда ҳам ҳудудлар иқтисодиётини кўтариш, чекка ҳудудларга саноатни олиб кириш мақсадида қишлоқ хўжалиги тармоқларида кластерлар ташкил этилаётгани эътиборга моликдир.

### Иқтисодий сиёсатга ишонч кучаймоқда

Президентимиз ташаббуси билан дастлаб Бухоро вилоятида пахта-тўқимачилик кластерига асос солинган бўлса, эндиликда ушбу усул республикамизнинг деярли барча ҳудуди соҳаларини қамраб олмоқда. Чунки у пахтачилик, ғаллачилик, мева-сабзавотчилик, балиқчилик тармоқларида ҳам ўзини оқламоқда.

Кластер назариясини яратганлардан бири М. Портернинг сўзларига кўра, маҳаллий кластерлар куч-қудрати, улардаги инновацияларнинг яшовчанлиги ва ранг-баранглиги ҳудудий иқтисодий тараққиёт тақдирини кўп жиҳатдан белгилаб беради. “Ҳудудлардаги ойлик иш ҳақлари бўйича фарқ кластерларнинг ривожланиш суръатларини ўзида акс эттиради. Бундай хулоса ҳудудий сиёсатнинг асосида ётиши керак”, дейди у. Демак, Ўзбекистонда ҳам ҳудудий агросаноат кластерлари кўпайиши жамиятда иқтисодий сиёсатга нисбатан ишонч ҳиссини янада кучайтиради.

Тан олишимиз керак, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги узоқ муддат эски қолипларда қолиб кетди, соҳага янгича ёндашувлар, ноу-хаулар деярли татбиқ этилмади. Имкониятларидан самарали фойдаланмаслик оқибатида етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифат кўрсаткичлари тушиб кетди. Хом ашёни сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш билан шуғулланувчи бозор субъектлари ўртасидаги ўзаро ҳуқуқий-иқтисодий муносабатларга, фаолият самарадорлиги ва рақобатбардошлик кўрсаткичларига жиддий путур етди, фермерларда ерга эгалик ҳисси йўқолди, қишлоқ меҳнаткашларининг моддий манфаатдорлиги, келажакка ишончи пасайди.

Фақатгина кейинги йилларда соҳага янги нафас олиб кирилиб, кластерлар пайдо бўлгач, деҳқон ва саноатчиларнинг манфаатлари мушталашди, етиштирилаётган хом ашёни чуқур қайта ишлаш “занжири” вужудга келди. Давлат, бизнес ва меҳнаткашлар бирлашган жойда эса фақат халқ ютади, жамият равнақ топади, ҳар қандай мураккаб синовларни енгиб ўтиш анча осонлашади, ҳатто бугун ҳаммани хавотирга солаётган “тождор” вирус пандемияси келтириб чиқарган инқироз ҳам чекинади.

Юртимизда глобал инқироз оқибатларини юмшатиш ва бартараф этиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, экспорт ҳажмини ошириш, ишсизликка қарши курашишда айнан қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш, айниқса, бу борада кластер механизмларини кенгайтириш масаласига алоҳида эътибор берилаётир. Мева-сабзавотчилик ва чорвачилик тармоқларида маҳсулот етиштириш ҳажмини икки баробар ошириш вазифаси қўйилмоқда. Буни тўла-тўкис бажаришда эса мева-сабзавотчилик ва узумчиликда кластер географиясини кенгайтириш жуда катта роль ўйнайди. Жиззах вилоятида фаолият юритаётган “Jizzax organic” агросаноат кластери COVID-19 пандемияси шароитида аҳолига сифатли қишлоқ хўжалиги товарлари, жумладан, гўшт ва сут маҳсулотларини мақбул нархларда етказиб бераётгани нафақат нархлар барқарорлигини ушлаш, балки кластер ҳар қандай вазиятда ҳам халқнинг оғирини енгил қилишга қодир эканлигини амалда исботламоқда.

### Салоҳиятдан нечоғли фойдалана оляпмиз?

Машҳур ирланд ёзувчиси Жонатан Свифт “Аҳоли ҳаёти ва фаровонлиги учун зарур бўлган унумдор тупроқ ҳар қандай мамлакат гуллаб-яшнашининг бирламчи сабабидир”, дея таъкидлаган эди. Кластер тизими эса адиб қарашидан фарқли равишда шўрланган, лалми ерларни ҳам ўзлаштириб, уни даромад манбаига айлантира олишга қодирдир. Шу боис бугун дунё тажрибасида ўзини оқлаган “маҳсулот етиштириш — йиғиштириб олиб, сифатли сақлаш — чуқур қайта ишлаш — қўшимча қиймат яратиш — экспорт” “занжири”га асосланган агрокластерлар сонини кўпайтириш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

Бинобарин, юртимиз агрокластерлар, хусусан, мева-сабзавотчилик ва узумчилик кластерларини равнақ топтириш учун катта салоҳиятга эга. Ундан оқилона фойдаланиш ишлаб чиқарувчиларга қатор устунликлар беради. Негаки, бундай кластерлар рақобатдош маҳсулотлар тайёрлаш орқали ташқи бозорларга чиқиш имкониятини яратиб берибгина қолмай, балки замонавий агротехнологияларни жорий қилиш туфайли ички бозорни импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдиришга ҳар томонлама кўмаклашади.

Корхоналар ва фирмалар учун нисбатан таннархи арзон, сифати юқори, маҳсулотларни тайёрлаб, яхлит агрологистик тизимда бир хил технологик режимда ташқи ва ички бозорларга етказиб беришдек устунликка эга бўлади. Агрокластер тизимидаги барча корхоналарга ноу-хауларни тез тарқатиш имконияти ҳудудларнинг инновацион салоҳияти ортишида айни муддаодир. Натижада у ҳудудларни тараққий эттириш, экспорт салоҳиятини юксалтириш орқали давлатнинг рақобатбардошлик индексларини кўтаришга замин яратади. Бу эса, ўз навбатида, хорижий инвестицияларни жалб қилиш имкониятини ошириб, қишлоқларни саноатлаштириш, замонавий қувватларни барпо этиш жараёнларини тезлаштиради. Бунга хориж тажрибаси яққол мисолдир. Масалан, Германия, Франция, Италия, Болгария, Греция, Нидерландия, Буюк Британия, Швейцария, Дания каби Европа давлатларида ҳам юқори технологияли мева-сабзавотчилик, узумчилик кластерлари иқтисодиётнинг таянч устунига айланган. Франциянинг Монпелье шаҳрида 1986 йилда ташкил этилган “Агрополис” уюшмаси, айниқса, дунёга машҳур. У Европа ва жаҳон технология ҳамда инновация бозорларида етакчилик қилаётган бўлса, ёпиқ грунтда, яъни иссиқхонада деҳқончилик, боғдорчилик ва сабзавотчилик қилиш жабҳасида Буюк Британиядаги инновацион агросаноат кластери — Стокбридж технологик марказига бугун тенг келадигани йўқ.

Австрияда ҳам кластерларни ихтисослаштириш, агросаноат ва илмий-тадқиқот корхоналарининг ўзаро алоқаларини рағбатлантириш, инновация дастурларини бошқариш тартибидаги тўсиқларни камайтириш ҳамда рақобатбардош марказларни шакллантиришга кўпроқ аҳамият берилмоқда. Дания қишлоқ хўжалигида чорвачилик деҳқончиликка қараганда устувор аҳамият касб этади. Хусусан, сут маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган “Сутли вертикал” кластери дунёда тан олинган.

Эътироф этиш жоиз, озиқ-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ муаммолар кўпайиб бораётган бугунги синовли даврда айнан агрокластерлар барча иштирокчиларни давлат ва хусусий шериклик механизми асосида мураккаб вазиятдан талафотларсиз олиб чиқиш, қишлоқ хўжалиги ва саноатни ривожлантириш имкониятларини кенгайтиради.

### Муваффақиятли модель янги бозорларни очмоқда

Ўзбекистонда кластер усули нафақат пахтачилик, балки мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоқларида ҳам синовдан муваффақиятли ўтяпти. Натижада 2019 йилда мева-сабзавотчилик кластерлари сони 66 тага етказилиб, уларга жами 18,9 минг гектар ер майдони ажратиб берилди. Самараси қандай бўлди, дерсиз. 133 та лойиҳа доирасида 597 та қайта ишлаш корхонаси томонидан жами 2 млн. 107,6 минг тонна маҳсулот қайта ишланди. Умумий қиймати 1 млрд. 250,4 млн. долларга тенг бўлган 1,4 млн. тонна (2018 йилдагига нисбатан 113 фоиз кўп) маҳсулот, 589,4 минг тонна сабзавот, 296,1 минг тонна мева, 38,7 минг тонна полиз маҳсулотлари, 187,8 минг тонна узум, 170,8 минг тонна дуккакли ва мойли экинлар маҳсулотлари, 121,3 минг тонна қуритилган мева ва сабзавотлар, 3,1 минг тонна кўчатлар экспорт қилинди. Бунда Словакия, Бразилия, Жазоир, Исроил, Венгрия, Гонконг, Кувайт, Греция, Мўғулистон, Марокаш, Австралия, Босния ва Герцеговина, Франция, Канада, Қатар каби ўнлаб давлатларда янги бозорлар ўзлаштирилгани, айниқса, қувонарлидир.

> *Кластер назариясини яратганлардан бири М. Портернинг сўзларига кўра, маҳаллий кластерлар куч-қудрати, улардаги инновацияларнинг яшовчанлиги ва ранг-баранглиги ҳудудий иқтисодий тараққиёт тақдирини кўп жиҳатдан белгилаб беради. “Ҳудудлардаги ойлик иш ҳақлари бўйича фарқ кластерларнинг ривожланиш суръатларини ўзида акс эттиради. Бундай хулоса ҳудудий сиёсатнинг асосида ётиши керак”, дейди у. Демак, Ўзбекистонда ҳам ҳудудий агросаноат кластерлари кўпайиши жамиятда иқтисодий сиёсатга нисбатан ишонч ҳиссини янада кучайтиради.*

Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида кластерларни янада ривожлантириш масаласига алоҳида тўхталиб, жумладан, шундай деган эди: “Мева-сабзавот, шоличилик, чорвачилик ва ипакчилик каби бошқа тармоқларда ҳам бугунги кун талабига жавоб берадиган кластерларни ташкил этиш ишларини давом эттирамиз. Бу йил 2 миллиард долларлик, кейинги 5 — 7 йилда эса бундан 3-4 баробар кўп мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш учун маҳсулот етиштиришни кескин кўпайтириш чораларини кўриш зарур. Парламентимиз, ушбу ислоҳотларимизнинг ҳуқуқий асоси бўлган “Кооперация ва кластерлар тўғрисида”ги янги қонунни тезроқ қабул қилса, ушбу катта режа ва ниятларимизга мос иш бўлур эди. Бу йил мева-сабзавотчилик, узумчилик, уруғчилик, чорвачилик, агрологистикани ривожлантириш, сувни тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, илмий тадқиқот ишлари, соҳа учун малакали кадрларни тайёрлашга 3 триллион сўм маблағ йўналтирамиз. Чорвачилик, қоракўлчилик, балиқчилик, паррандачилик каби соҳаларда наслчиликка алоҳида эътибор қаратилиб, уни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги механизмлари татбиқ этилади”.

Айни чоғда ҳосилдорлиги паст бўлган пахта ва ғалла майдонлари ўрнига мева-сабзавот ва озуқа экинларини етиштириш кенгайтирилади. Хусусан, маҳсулот ҳажмини ошириш учун жорий йилда 124 минг гектар оборотдан чиққан ерлар тўлиқ ўзлаштирилади. Етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотлари нобуд ва исроф бўлишига йўл қўймаслик, уларни сифатли қайта ишлаб, ички ва ташқи бозорларга етказиб бериш, фермер ва деҳқонларнинг манфаатдорлигини ошириш борасидаги ўрганиш ва изланишлар жадал давом эттирилади. Шулар билан бир қаторда, мева-сабзавот маҳсулотларининг экспортини 2,5 млрд. долларга, яқин уч йилда эса 5 млрд. долларга етказиш мақсади қўйилган. Бунинг учун Испания, Нидерландия, Польша, Греция, Туркия, Россия, Хитой, Жанубий Корея, Вьетнам, Индонезия каби давлатларнинг энг илғор тажрибалари кенг қўлланилмоқда.

Жойларда кластерлар фаолиятини самарали ташкил этишга вилоятлар ва туманлар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари шахсан масъул этиб тайинлангани эса уларни ҳудудларга экспортбоп экинларни жойлаштириш, зарур уруғлик, кўчат, минерал ўғит, ёнилғи масаласини ҳал қилиш ва уларнинг таъминотини тизимли йўлга қўйишда айни муддаодир. Ўз навбатида, Марказий банк ва тижорат банклари раҳбарларининг ўринбосарларидан бири мева-сабзавотчилик кластерларини айланма маблағлар билан таъминлаш ва улар томонидан ишлаб чиқилган лойиҳаларни ўз вақтида молиялаштиришга масъул қилингани ҳам кўп нарсани англатади.

Буларнинг барчаси ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларда бозор тамойилларини, фан ва техниканинг илғор ютуқларини жадал жорий этиш, экологик тоза ва экспортбоп маҳсулотлар етиштириш орқали деҳқонлар даромадини кўпайтириш борасида олиб бораётган тизимли ислоҳотларни сифат ҳамда кўлам жиҳатидан янги босқичга кўтаради.

### Энди орқага йўл йўқ

Белгилаб олинган устувор вазифаларга эришишда, айтиш мумкинки, мева-сабзавот ва узумчилик кластерлари энг яқин кўмакчига айланиши, шубҳасиз. Зеро, ҳисоб-китобларга кўра, 1 гектар майдонда етиштирилган пахта хом ашёсига нисбатан узумдан 7 баравар, гилосдан 6 баравар, ёнғоқдан 5 баравар кўп даромад олиш имконияти мавжуд.

Тўғри, бу йилги мавсум деҳқончилик ва боғдорчилик учун бир оз ноқулай келди. Мевали дарахтлар ҳосил кўрсатиб, ток ва ёнғоқлар айни гуллаган пайти ҳарорат пасайиб, қор ёққани ҳосилга маълум миқдорда зиён етказди. Аммо тадбирли одамлар учун бу катта синов бўлиши баробарида, кенг имкониятлар ҳамдир. Шунинг учун табиат инжиқликларига қарамай, агротехника тадбирларини сифатли ўтказаётган боғбону деҳқонлар ҳосил салмоғидан кўнгли тўқ. Шу кунларда юртимизда кўкат, помидор, бодринг, гилос ва ўрик тарозига тушиб, пишиқчилик мавсуми бошланди. Агар экспортнинг 60 — 70 фоизи ушбу маҳсулотлар улушига тўғри келишини, бундан айнан кластерлар яқин дастёрга айланганини инобатга олсак, аграр соҳадаги ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бераётганини кўриш мумкин. Зеро, Президентимиз айтиб ўтганидек, “Бу йил қишлоқ хўжалигида катта ислоҳотларни бошлаяпмиз. Ҳокимлар бу масалани чуқур тушуниб, ичига киришлари шарт. Энди орқага йўл йўқ. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини эркинлаштирмасак, манфаатдорликни оширмасак, иқтисодий ўсиш ва самарадорликка эришиб бўлмайди”.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғига кластерларни жорий этиб, тармоқларни ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар ана шундай руҳда изчил давом эттирилаверади.

**Муҳаммадали САИДОВ,**
**Тошкент давлат аграр университети Агрологистика кафедраси мудири, профессор.**

---

### Ташаббус

*“Дилрабо СДА” савдо ишлаб чиқариш корхонаси — Наманган вилояти енгил саноатида муносиб ўринга эга тадбиркорлик субъектларидан. Корхонада 800 дан зиёд хотин-қизлар меҳнат қилади. Бу ерда айни кунда юздан ортиқ турда трикотаж маҳсулотлари тайёрланмоқда.*

## Хусусий корхона раҳбари аҳоли бандлигини таъминлашга ҳисса қўшмоқчи

Маҳсулотни ташқи бозорга чиқараётган корхона коронавирус пандемияси тарқалишининг олдини олиш юзасидан эълон қилинган карантин шароитида ҳам экспорт фаолиятини асло сусайтиргани йўқ. Корхонада биринчи чорак давомида 15 миллиард сўмликка яқин маҳсулот ишлаб чиқарилди ва Россиядаги ҳамкорларига 1,5 миллион АҚШ долларилик бежирим кийим-кечаклар юборилди.

— Бирор-бир механизм, ускуна маълум муддат ишламай турса, уни яна ишга солиб, сифатли маҳсулот тайёрлаш учун вақт керак. Бу фаолиятимизга салбий таъсир кўрсатади, — дейди корхона раҳбари Маъсуда Содиқова. — Шуни англаганимиз боис карантин пайтида ҳам ишлаб чиқариш жараёнини узлуксиз давом эттирдик. Албатта, бунда санитария-гигиена талабларига қатъий риоя этиляпти. Хусусан, корхона ҳар куни икки бор дезинфекция қилинмоқда. 500 нафар ишчи-ходим учун махсус талаблар асосида ишлаш тартиби йўлга қўйилган. Улар ниқоб ва антисептик воситалар билан таъминланган.

Маълумки, давлатимиз раҳбари 20 апрель куни ўтказган видеоселектор йиғилишида саноат, қурилиш ва инфратузилма тармоқлари корхоналарининг тўлиқ ишлашини таъминлаш зарурлигини таъкидлади. Коронавирус аниқланмаган ёки эпидемиологик вазият яхшиланган ҳудудларда карантин чекловлари босқичма-босқич юмшатиладиган бўлди. Жумладан, жойлардаги корхона ва ташкилотларда ишлаб чиқаришни тиклаш билан бирга, пандемия шароитида вужудга келган ишсизлик ҳолатларини бартараф этиш вазифалари ҳам алоҳида таъкидланди. “Дилрабо СДА” шундан келиб чиқиб, яқин вақт ичида ҳудудда яшовчи хотин-қизлардан 40 нафарини ўз жамоасига қўшиб олишга қарор қилди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

---

### Жасорат унутилмайди

*Ғиждувон туманининг “Соҳибиён” маҳалла фуқаролар йиғинидаги Палонзе қишлоғида истиқомат қилган Темир Собиров кўнгиллилар қаторида урушга отланганида, эндигина 17 ёшда эди. Хайрлашаётиб, “Мен ғалаба билан қайтаман. Агар... агар жангда ҳалок бўлсам, жасадим ўзга юртларда қолиб кетмасин. Ҳеч бўлмаса, кўмилган жойимдан бир сиқим тупроқ олиб, қишлоғимиз мозорига қўйинглар”, деди. Унинг онаси Пўлат ая билан укаси Жабборга айтган сўнгги сўзлари шу бўлди.*

## Узилган бир киприк...

Орадан бир йил ўтиб, 1944 йилнинг бошида Темирнинг қаҳрамонларча ҳалок бўлгани тўғрисида “қора хат” келди. Шўрлик онаизор умрининг қолган қисмини фарзанд доғи билан ўтказди...

— Темиржонни яхши эслайман, — дейди Палонзе қишлоғида яшовчи 97 ёшли Муҳит бобо Нозимов. — Ўша кезларда ҳудудимизда “Матбуот” деб номланган колхоз бўларди. Ҳали 17 ёшга ҳам кирмаган Темиржон шу хўжаликнинг бош ҳисобчиси вазифасида ишларди. Ташкилотчи, билимли, зеҳни ўткир, фаол ёшлардан эди. Қадамидан ўт чақнарди. Номинг ўчгур уруш бўлмаганида, ундан эл-юрт корига ярайдиган фидойи раҳбар чиқарди. Бунга ишончим комил.

Хўш, Темиржоннинг тақдири қандай кечганди? Бу саволга Собировлар сулоласи вакиллари яқинда жавоб топишди.

— Тўнғич невара бўлганим учун Пўлат бувим умрларининг охирига қадар Темир амакимнинг сўнгги сўзларини менга тез-тез айтиб, чуқур “уҳ” тортарди, — дея эслайди иккинчи даражали адлия маслаҳатчиси, истеъфодаги полковник, айни дамда Когон туман мактабгача таълим бўлимида юрист-маслаҳатчи вазифасида ишлаётган Жалол Собиров. — Афсуски, шу армон билан бу дунёни тарк этди.

Яқинда ўғлим Жасуржон ижтимоий тармоқ орқали амаким ҳақида аниқ ва тўлиқ маълумотни олишга муваффақ бўлди. Унда айтилишича, Темир Собиров 350-сонли ўқчи дивизия таркибида Тула, Воронеж, Харьков, Донецк, Брянск, Смоленск, Гомель ва Киевни фашистлардан озод қилишда қатнашган. Житомир вилоятининг Радомишльский туманидаги Гута-Забеловцкая қишлоғида бўлиб ўтган аёвсиз жангда ҳалок бўлган. Шу ердаги бproducing бродарлик қабристонига дафн этилган.

— Когон шаҳрида яшовчи холам Ҳалима Раупованинг уйига борганимда у киши акаси Ҳамид (тоғам)ни эслаб, Темир амаким билан бирга фронтга жўнаганликларини, лекин иккаласи ҳам она юртига қайтмаганлигини сўзлаб берганди, — давом этади суҳбатдошимиз. — Улардан биргаликда тушган ушбу сурат ёдгор бўлиб қолган.

Жалол ака шундай деганча бизга 1943 йилда олинган суратдан нусха тақдим этди. Суратда (юқори қаторда) палонзелик Рустам Ражабов, Ато Тўлаев, Раҳмон Набиев, (пастки қаторда) Ҳамид Раупов, ўртада исм-шарифи номаълум хоразмлик жангчи ва Темир Собиров тасвирга олинган.

Ҳа, шоирнинг “Узилган бир киприк абад йўқолмас”, дея ёзганича бор. Иккинчи жаҳон урушидан қайтмаган бир юртдошимизнинг қисматига ойдинлик киритилди. Энди эса Жалол ака инсониятни фашизм балосидан ҳалос этмоқ йўлида жонини қурбон қилган Темир Собировнинг васиятини бажариш ниятида. Мард жангчи қабридан келтириладиган бир сиқим тупроқ армон билан дунёдан кўз юмган Пўлат момонинг ҳам руҳини шод этиши муқаррар.

**Истам ИБРОҲИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 40 115 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.40 Топширилди — 03.15 1 2 3 4 5 6